



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 15 ноябрь, № 242 (8585)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШГА ДОИР ИЛГОР ДАСТУРЛАР ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда хорижий давлатлардан мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларига жалб этилган чет тили фани ўқитувчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, АҚШ, Хитой, Франция, Германия, Буюк Британия элчихоналари вакиллари, шунингдек, UNESCO, UNICEF, USAID, Британия кенгаши, Франция альянси, Гёте институти мутахассислари, юртимиз ҳамда хорижий мамлакатларнинг ўқитувчилари тақлиф этилди.

Учрашувда таъкидланганидек, кейинги йилларда таълим соҳасида ҳам жадвал ўзгаришлар кечмоқда. Бу янгиланишларда педагогларга зарур имконият ва шароитларни янада кўпроқ яратиш орқали таълим сифатини тубдан яхшилаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз гоёси асосида мамлакатимиз ёшларига хорижий тилда таълим бериш жараёнини мураккаб янгича асосда йўлга қўйиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётган. Бу йўналишда ривожланган давлатларнинг катта педагогик тажрибига эга, ўз соҳасининг билимдонлиги бўлган ўқитувчиларни мамлакатимиз умумтаълим мактабларига ишга тақлиф этиш тажрибаси йўлга қўйилди.

Бу эса ёшларнинг чет тилларни мукамал ўрганишида янги имкониятларни очиб бермоқда.

Хориждан тақлиф этилган ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган мазкур учрашувдан қўзланган асосий мақсад ҳам хорижий тилларни ўқитишга доир илгор дастурларни оммалаштиришдан иборат бўлди.

Учрашув доирасида хорижий ҳамкорлар томонидан Ўзбекистонда чет тилларни ўқитишни янада ривожлантириш бўйича тақлифлар билдирилди. Шу билан бирга, чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш ва ҳамкорлик қилишга қаратилган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.



МАЪРИФАТЛИ АВЛОД

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ДРАЙВЕРИ



Х. ПАЙДОНОВ олган сурат.

Жамиятнинг таянч устун

Мамлакатимиз қандай оламшумул ютуқларга эришса ёки қайси жаҳада янгиланишлар жараёнидан орқада қолса, унинг негизда маърифат ва таълимнинг тараққиёти ёки оқшаи ётибди, деб айтиш мумкин. Шу сабабли давлатимиз

раҳбари фаолиятининг илк даврида таълим-тарбия соҳасига катта эътибор қаратиб келаётган. Бундай эътибор ва рағбатнинг моҳиятида мактаб, университет — жамият устун, деган эзгу ғоя мумкам.

Кейинги йилларда "Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади" деган ташаббус самара-

си сифатида ушбу йўналишда яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тизимли ишлар амалга ошириляпти. Утган қисқа даврда юртимизнинг барча ҳудудда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Илгари тажрибада бўлмаган Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган мактаблар

Янги Ўзбекистонда таълим ва тарбия масаласида кенг қўламли ҳаётбахш ислохотлар олиб борилаётган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 28 август куни мактабларда таълим сифатини янада ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ҳамда ўқитувчилар малакасини юксалтириш ва уларга муносиб шароит яратиш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантқий давомидир. Унда мактаб таълими олдида турган энг муҳим вазифалар ва уларнинг ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Мушоҳада

тармоғи кенгайтирилди. Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда.

Энг муҳими, таълим-тарбия жараёнида мактабларда янгича руҳ ҳамда муҳит шаклланди. Ўқитувчи ва мураббийлар учун эркин ишлаш имконияти яратиб берилди. Чунки ўқитувчи эътибор — бу, аввало, ёш авлодга, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор, дегани. Муаллимнинг обрўси ошса, мактабнинг ругбаси кўтарилади, илмнинг, таълим-тарбиянинг қадри юксалади. Шу сабабли кейинги йилларда педагоглар учун шароитларни яхшилаш, таълим сифатини оширишга устуворлик берилмоқда.

Ана шундай ҳаётбахш ислохотлар самарасида кейинги етти йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 баробар ошдирилди. Хусусан, чет тили, IT, математика, кимё, биология фанлари бўйича миллий ва халқаро сертификатларни кўлга киритган педагогларга устама, чекка ҳудудга бориб ишлаган устозларга алоҳи-

да тўлов жорий этилди. Натжида мамлакатимизда 6 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача маош олади-ган ўқитувчилар сони 23 минг нафарга етди ҳамда 12 миллион сўмдан юқори иш ҳақи олувчилар минг нафардан ошди. Шунингдек, 2 мингга яқин ўқитувчиларга мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги жамғармасидан қўшимча устамалар тўланапти.

Ўқитувчининг меҳнатидан манфаатдорлиги ошса, у тинимсиз изланади, соҳада том маънода ўсиш, юксалиш бўлади. Бир мисол, жорий йил Тошкент шаҳридаги 81-умумтаълим мактаби ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб Халқаро экоматтаб дастурининг олий мукофотиغا сазовор бўлди. Бундай ютуққа Марказий Осиёда илк бор Ўзбекистондаги таълим муассасалари эришди. Бу муваффақиятни ҳам соҳадаги янгиланиш ва ўзгаришларнинг ширин меваси, дейиш мумкин.



Мулоқот

ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА РАҲБАРИ ИСЛОХОТЛАР БОРИШНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов Ўзбекистонга таширф буюрган Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (ИФЕС) делегацияси ва ушбу ташкилот президенти ҳамда бош директори Энтони Банбери билан учрашди.

Мулоқот асносида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, истиқболлари, қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ҳамда сайлов тизимини ривожлантириш борасида тажриба алмашиш юзасидан фикрлашилди.

Э. Банбери Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириляётган ислохотлар боришини юқори баҳолади. Айни чоғда у мазкур стратегияни ҳаётга татбиқ этишда мамлакатимиз парламенти зиммасига ҳам муҳим вазифалар юкланганини алоҳида ургулди.

Шу билан бирга, меҳмон ИФЕС фаолиятининг асосий

тамоийллари ва устувор йўналишлари кўп жиҳатдан мамлакатимизда олиб бориляётган демократик ислохотлар мақсадларига ўхшаш ва уйғунлигини қайд этди. Янгиланган Конституция қабул қилиниши ва мuddатидан олдин Ўзбекистон Президенти сайловининг ўтказилиши юртимизда сайлов жараёнини ҳамда қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролар сайлов ҳуқуқини таъминлаш борасида улкан ютуқларга эришяётганини яққол намоён этишини ҳам айтиб ўтди.

Учрашувда томонлар ўзаро қизиқиш уйғотган бошқа масалаларни ҳам кенг муҳокамадан ўтказди.

«Халқ сўзи».

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

СУРХОН КЕНГЛИКЛАРИДА БУНЁДКОРЛИК НАФАСИ

2018 йил 18 февраль. Гарчи қиш фаслининг айни қирчиллама палласи бўлса-да, Жануб осмони жуда мусаффо, қуёш чарақлаб турибди. Айниқса, "чўл зонаси" ҳисобланган Қизирқ туманида баҳорий бир уйғонишни ҳис қилиш мумкин, боғлардаги бодом дарахтлари бутқоқларидаги куртақлар анча тўлишиб қолган. Аслида шундай, воҳада бодомлар баҳор келмасдан уйғонади. Қизирқда эса янада илгарироқ — январь ойи ўрталарида қийғос гуллайтиди.

Бир неча кундан буён сертаратдуд бўлиб қолган туман аҳли бугун эрта саҳардан ўзгача бир хуррамлик билан ҳаракатга тушган. Ховлилар, кўча ва йўлақлардаги саранжом-саритшаллик улуғ меҳмон таширфи кутялаётганидан ҳабар бериб турибди. Худди шундай, давлат раҳбарининг вилоятга навбатдаги таширфи айнан Қизирқ туманидан бошланиши хабари барчанинг қалбига севинч ва ифтихор тўйғуларини бахшида этган эди.

Шавкат Мирзиёев шу куни вилоят фаоллари, меҳнат фахрийлари ишти-

рокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказди. Вилоятнинг ўша пайтдаги бир жойда депсиниб турган ижтимоий-иқтисодий ҳолати чуқур таҳлил қилинди, Президент ушбу ҳолатга сабаб бўлган салбий ҳаракатларни, жумладан, айрим кучишлар тузилмалар номидан фуқароларга, тадбиркорларга, ҳатто раҳбар-ходимларга нисбатан зўравонлик қилган, тазийқлар, жабр-зулмларни, коррупцияни авжига чиқарган уюшган жиноий тўдлар ташкилчиларини номма-ном очиклаб, Сурхондарёни талон-торож

қилган мана шу кимсалар энди қонун олдида, халқимиз олдида жавоб беришини қатъий таъкидлади. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Тез фурсатда воҳа аҳли тараққиётни орқага тортаётган қонунбузарлардан, зўравонлардан халос этилди.

Уша йиғилишда Президентимиз меҳнаткаш, танти, олижаноб сурхондарёликларнинг бундан кейинги фаровон яшашини таъминловчи бир қанча бунёдкорлик режаларини амалга ошириш учун давлат томонидан катта миқдордаги маблағлар ажратилиш, субсидия ва инвестициявий лойиҳалар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга топшириқлар берди.

Бу умидбахш чоралардан Қизирқ тумани ҳам четда қолмади. Ўзлаштирилган кўриқ ерларда ташкил этилган туманда орадан қарий

элик йил ўтаётган бўлса-да, хали ҳам чўлдан дарак берувчи манзаралар кўзга ташланиб турарди. Агар туманда ерларнинг мелiorатив аҳоли ёмонлашаётганлиги боис пахта, галла ва бошқа маҳсулотлардан етиштириш миқдори кескин пасайиб бораётган, фермер хўжалиқларининг моддий техника базаси абгор аҳволда эди.

Шулар билан бир қаторда, одамларнинг маданий дам олиши учун ҳам шароитлар йўқлиги Ўртбошимиз назаридан четда қолмади. Туман марказидан ўтувчи канал ёқасида бог, гулзор ва йўлақчалардан иборат истироҳат хиёбонини барпо этиш ва "Болажонлар боғи"ни қуриш тақлифлари таширф баённомасига киритилди. Бу вазифалар тўла-тўқис бажарилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қонун ижодкорлиги: МАСЪУЛИЯТЛИ ВА МУҲИМ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламент фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қонун лойиҳаси ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида, хусусан, мамлакатимизда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш борасида олиб бориляётган саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинди. Шунингдек, норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга ошириляётган ишлар тўғрисида қўй палатанинг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис ваколатлари Конституциямизга мувофиқлаштирилмоқда

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида ишлаб чиқилган — "Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда атрофлича кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси



Муҳокама

ДЕПУТАТЛАР БЕРГАН ТАКЛИФЛАР БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Сийёсий партияларнинг фракциялари аъзолари, соҳа мутахассислари, ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирда "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, иқтисодий эркинлаштиришга қаратилган таркибий ислохотлар, тармоқлар, соҳалар, кичик бизнес ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши, ўзаро мувофиқлашган

пул-кредит ва фискал сийёсатининг олиб борилиши мамлакатимиз иқтисодий таъкиднинг салбий оқибатларини юмшатиш имконини бермоқда.



Ўзбекистон — умумий уйимиз

БИР ОСМОН ОСТИДА БАХТЛИ ВА ТОТУВ ҲАЁТ

Ўзбекистонда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Хар бир халқнинг ўзига хос миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш, хар томонлама ривожлантириш, ҳуқуқ ва эркинликларни, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, ўз қизиқиши ҳамда лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашлари учун зарур имкониятлар яратиб берилган. Мамлакатимизда барча миллат вакиллари билан давлат бошқаруви, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этиши кафолатланган.

Тошкент давлат педагогика университети Қозоқ тили ва адабиёти кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибни Эргаш АБДУВАЛИТОВ билан суҳбатимиз мамлакатимизда турли миллат вакиллари билан ўз она тили, маданияти, санъати, хунармандчилиги ва миллий кадриятларини ривожлантириш борасида яратилган кенг имкониятлар, уларнинг бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида яшаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганликлари хусусида бўлди.

— Мамлакатимизда миллатлараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда, — дейди Эргаш Абдувалитов. — Албатта, бу барча соҳада олиб

борилаётган кенг қўламли ислохотларни янада юксалтириш йўлида эзгу саъй-ҳаракатларнинг муҳим асосидир.

Кўп миллатли ўзбек заминида қозоқ халқи вакиллари ҳам бир осмон остида бахтли ва фаровон



ҳаёт кечирмоқда. Асосий мақсадимиз мамлакатимиздаги турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурматни ошириш, азалий дўстлик ва тинчликни тарғиб қилиш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат. Бугун иқтисодий-ижти-

моий соҳада эришилаётган ютуқлар ана шу беғараз дўстона муносабатларнинг табиий ва қонуний самарасидир. Халқимизда "Ризқ, қаерга борсан? Бирдамликка бораман" деган ибратомуз тушунча бор. Дунёда миллатлараро ва диний келишмовчиликлар, низо-лар давом этаётган бир пайтда жонажон юртимиздаги ҳамжиҳатлик, тотувлик кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон турли миллат вакиллари бир байроқ остида бирлаштирилган муқаддас замин сифатида алоҳида ўрин тутаяди. Ён атрофидаги дўсту биродарлар, қардошларини чексиз ардоқлайдиган, улар учун борини беришга тайёр ўзбек халқи ўзга миллат вакилларида ҳеч қачон ётсирмагани тарихдан маълум. Бир бурда номини биргаликда

бахам кўриш, биродарларига бағрини кенг очиб, ёнига яқин тортиш — ўзбек халқига хос бўлган ажойиб фазилатлардан.

Қадим замонлардан илдизи бир, маданияти ва маънавияти туташ, асрлар давомида бирдамлик, қондошлик ришталари билан боғланган ўзбеклар ва қозоқларни мангу дўстлик ва тинчлик, дин ва тил, урф-одатлар билан боғлиқ маънавий қадриятлар уйғунлиги бирлаштириб келмоқда. Ана шундай муштарак қадриятлар асосидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва келишув туфайли Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстона ҳамда қардошлик муносабатлари Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.



ҚОМУСИЙ ТАФАККУР СОҲИБИ

Азалий дўстлик

САМИЙ РИШТАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстона муносабатлар янада кенгайди. Буни ҳар иккала давлатга қириб-қичқиб тартибдор соддаштирилганида ҳам яқин кўриш мумкин.




— Авваллари ўш шаҳрига бориб-келиш учун божхона постида бир ярим-икки соат вақтимиз кетарди, — дейди Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Абдуқошиқ Саътов. — Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганим боис ҳафтада икки-уч марта қўшни давлатга бориб-келишимизга тўғри келарди. Фуқаролик паспортида кирди-чикди амалиёти тасдиқловчи муҳрга жой қолмаган пайтлари ҳам бўлган. Ҳозир ундай эмас. ID паспорт орқали атиги беш-ўн дақиқада Қирғизистон Республикасига ўтмоқдамиз.

Айтмиш жоизки, Хўжабод туманидаги "Дўстлик" чегара ўтказиш пунктида "электрон дарвоза"нинг жорий этилиши кўплаб қўлайликларни яратди. У санқили фуқаролик паспорти орқали ҳужжатнинг ҳақиқийлигини, ўз эгасига мансублигини ва сана билан боғлиқ маълумотларни қайд этади. Бу икки давлат ўртасидаги кирди-чикди ҳаракатларининг шаффоқлигини, тегишли қўлайликларни ҳамда амалиётини таъминлайди.

Бу қўлайликлар Марҳамат туманидаги "Мингтепа" чегара ўтказиш пунктида ҳам йўлга қўйилган. — Асли Аравон туманиданман, — дейди Асака шаҳрида яшовчи Зулхумор

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).



этибли, "Халқ сўзи" газетасида ёритилган дарё ўзла ва кенгликларидан қум-шағалларнинг аёвсиз олинаётгани қатор экологик ҳамда ижтимоий муаммоларга сабаб бўлаётгани ҳақидаги мақолада сенатор билдирган фикрлар, жўяли тақлифлар кенг жамоатчилик томонидан ва илмий доираларда юқори баҳоланди.

Инсонларнинг дарду ташвишлари билан яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир, деган ўлмас ҳақиқат Абдурахим Эрқаев шахси, ибратли фаолияти тимсолида ҳаётда ўз аксини топмоқда, десак, муволафат эмас. Жонқуяр олим мавжуд муаммоларни кўра-била туриб, уларни ҳал этишга уринмасликни, яъни, бу ҳолга мутасаддиларнинг бефарқлигини, масъулиятсизлигини қабул қила олмайди. Буни ҳар бир кишининг Ватан олдидаги муқаддас бурчига, инсонлик шайнига, фарзандлик ҳақиқига хиёнат деб билади. Шу маънода, ишонч билан айтиш мумкин, эл-юрт тақдирига дахлдорлик билан яшаш Абдурахим Эрқаевнинг ҳаёт қоидаси, кундалик турмуш тутуми.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлини илгари сурар экан, Абдурахим ака юрагида узоқ йиллардан буюн чўғ бўлиб ётган туйғулар, ҳиссиётлар, кечинмаган, илмий фикр ва қарашлар ёниб, гулханга айланди ва ўзидан ажиб бир ёруғлик, иллик тарата бошлади.

Аниқроқ айтганда, олим матбуотда юртимизнинг шонли тарихи, Ватанимиз худудида кечган тамаддулар, хусусан, биринчи ва иккинчи Ренессанс даврлари, уларнинг ҳаётини таъминлашда қўшган ҳиссаси, ўз ўрнида, бу Уйғониш замонлари тарихининг сабаб ва оқибатлари ҳақида гоёт куюнчаклик билан мақолалар эълон қилди. Уларда давлатимиз раҳбари илгари сурган учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббусининг аҳамиятини тушуниб бериб, бу буюн мақсадга эришиш учун нималарга эътибор

Инсон ўз умри давомида не-не довларни олиб ўтади. Бу машаққатли ва мазмунли саёй-ҳаракатлар уни янги марралар, нури қўққилар томон қорлайверади. Заҳматқаш олим Абдурахим Эрқаев ҳам бугун ҳаёт йўлида янги бир довларни босиб ўтиб, ўзи кўзлаган ёруғ манзиллар сари илдам одимламоқда.

Ўткир РАҲМАТ.

Давраларда илм-фан намояндалари ҳақида гап кетганда, одатда уларнинг номига "фан доктори", "академик" жумлалари қўшиб айтилади. Шубҳасиз, олимларимиз орасида бу шарафли рутбаларга лойиқлари кўп, аммо ана шу илмий унвонларни фақат қоғоздагина ўзиники қилган, аслида, илмининг мағзи пуч, амалиётдан, ҳаётдан йироқлари ҳам оз эмас.

Юрдошларимиз орасида яна шундай илм-фан фидойилари ҳам борки, улар расман илмий унвон олмаган, бироқ уларнинг илмий даражаси ҳақида юксак салоҳияти, қилаётган тадқиқотлари, нашр этаётган китоблари, матбуотда илгари сураётган гоё ва ташаббуслари, одамларга тегаётган фойдаси яққол сўзлаб туради. Шу боис халқимиз бундай инсонларни чин маънода олимлик рутбасига эришган деб ҳисоблайди, давраларнинг тўрига ўтказиши, номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Эй умри азиз...

Ана шундай зиёлиларимиздан бири Қарши давлат университети профессори, фалсафа фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, "Меҳнат шўхрати" ордени соҳиби Абдурахим Эрқаевдир.

Бу инсонни узоқ йиллардан бери биланам. Собқ тузум даврида партия ташкилотларида ишлаб, ўзини кўрсатгани, бироқ турли раҳбарлик лавозимларига тақлиф қилинганда ҳаётдаги кўзбўямачиликлардан, балан-парвозликлардан қочиб, рози бўлмагани ҳам, фалсафа илми билан шуғулланаркан, коммунизм мафқураси сохта, пўка мисоли пуч эканини теран англагани, барча гуманитар фанларнинг унга бўйсундирилгани учун илмий фаолиятини давом эттирмаганидан ҳам хабарим бор.

Бироқ оққан дарё оқмай қолмас экан. Абдурахим ака қайрилган қанотларини истиқлол йилларида яна кенг ёзди, эркин ижод қила бошлади. У нафақат Қашқадар вилоятида, балки бутун мамлакатимизда, ҳатто хорижда ҳам етук олим, маҳоратли идеолог, тарғиботчи сифатида ном қозонди. Мустақиллик йилларида маънавият, маърифат масалалари, жамиятнинг демократлаштириши, миллий истиқлол гоёси ҳақида 20 дан ортиқ монография ва рисолалар, 20 га яқин китоблар, эсселар, юздан зиёд брошюралар, альбомлар ва буюк лётлар, илмий ва публицистик мақолалар, тезислар нашр эттиргани ва уларнинг аксариятида илгари сурилган гоёлар, тақлифлар ҳаётимизга татбиқ қилинганнинг ўзи бу инсоннинг илмий фаолияти

нақадар сермахсус ҳамда қизғин кечаётганини, илғор қарашлари илмий доиралар вақиллари, бутун халқимиз томонидан юксак эътироф этилаётганини ифодалайди.

Олим маънавиятшунослигини, илмий жамоатчилик эътироф қилганидек, мафқуравий тарғибот-ташвиқотдан ижтимоий фалсафий илм даражасига кўтара олди. "Маънавиятшунослик", "Маънавият — миллат нишони", "Тафаккур эркинлиги" монографиялари, "Ўзбекистон йўли" ва бошқа китоблари бунга яққол исботлайди.

Энг муҳими, Абдурахим ака ёзаётган ҳар бир асарини — хоҳ у монография бўлсин, хоҳ илмий китоб ёки давримизнинг долзарб масалалари кўтарилган публицистик мақола бўлсин — уларни оддий, содда, ҳамма тушунадиган тилда баён этишга, қалбини тўқинлантирган, ҳаяжонлантирган туйғуларни, бутун борлигини жунбишга солган фикрларни тўлағиланча халқ қалбига етказиб беришга интилади.

Бу ҳақда гап кетганда, олимнинг "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида долзарб мавзулардаги мақолалари билан мунтазам қатнашиб, мамлакатимиз янада тараққий этиши, фаровон ҳаётини таъминлаш борасида қатор иштирокили тақлиф ҳамда ташаббусларни илгари суриб келаётганини, олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, жонбахш аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунириш, тарғиб қилишда фаоллик кўрсатаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Масалан, яқинда "Халқ сўзи" газетасида ижодкорнинг "Учинчи Ренессанс пойдевори. Унинг асосий

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАЛИ ЭКАНИНИ КЎРСАТМОҚДА

Давлат ва жамиятнинг барча ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг самардорлиги ҳамда натижадорлиги, кўп жиҳатдан, замон талабига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан chambarchас боғлиқ. Табиийки, таълим сифатини яхшилашмасдан бундай кадрларни тайёрлаб бўлмайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, таълим сифатини ошириш — янги Ўзбекистон тараққийотининг яққо ягона тўғри йўлидир.

Нуктаи назар

Очигини айтиш керак, бундан кўп йиллар олдин ҳам олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, соҳага янги инновациялар ва таълим технологияларини жорий этиш орқали таълим сифатини оширишга, малакали мутахассислар тайёрлашга ҳаракатлар бўлган. Бироқ таълим ва истеъмолчилар ўртасида кадрлар масаласи бўйича ўтказилган сўровномалар олий таълимнинг мутахассислар тайёрлаш борасида жўяли натижага эришилганини тасдиқлади.

Кейинги етти йилда олий таълим тизимини тубдан модернизация қилиш, халқаро эътироф этилган меъёр ва талабларни миллий қадрият ва қарашларини инobatта олган ҳолда кадрлар тайёрлаш жараёнига босқич-босқич татбиқ қилиш, профессор-ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, таълим, фан ва амалиёт ўртасида мустаҳкам интеграцияни йўлга қўйиш орқали таълим сифатини кескин кўтариш бўйича жиддий қадамлар қўйилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони асосида олийгоҳларда ўқув жараёнига босқич-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш, халқаро таълим стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим тизимига

аста-секин ўтиш амалиётининг йўлга қўйилганлиги ўқув сифатини ошириш, талаба ёшларнинг билим ва кўникмаларини замон талаблари асосида шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига янги тизимга ўтказиш тартиби жорий этилди. Шу ўқув йилининг ўзида мамлакатимиздаги 46 та давлат олийгоҳи янги тизимга ўтган бўлса, 2023/2024 ўқув йилидан барча талабалар тўлиқ кредит-модуль тизими асосида тахсил олмақда.

Ҳўш, дунёнинг кўпгина давлатлари таълим соҳасида амал қилаётган кредит-модуль тизимининг афзалликлари нимада? Ўтган уч йил давомида янги тизим ўз самарасини кўрсатди?

Бу саволга қўқмай "Ҳа" деб жавоб бериш мумкин. Хусусан, кредит-модуль тизими, аввало, ўқув жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш имконини берди. Ҳозирги кунда олий таълимда шаклланган ўқув жараёнига электрон платформасиз тасавур қилиб бўлмайди. Жумладан, Тошкент молия институтига ҳам ўқув йили бошланган билан профессор-ўқитувчилар ўзлари дарс машғулотига ўтказадиган фанларнинг ҳар бир мавзуси бўйича етти нондаги контентларни (силлабус, тақдимот, тест топшириқлар, ўқув адабиётлари ва бошқалар) "HEMIS" электрон платформасига joyлаштиради. Ана шу тизим орқали ҳар бир талаба олдиндан қайси мавзуда дарс машғулотини



бўлишини билади ва тайёрлик кўриб келади. Энг муҳими, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабатларда илгари мавжуд бўлган салбий ҳолатларга чек қўйилди. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг давомати, уларнинг билимини баҳолаш электрон платформа орқали амалга оширилади. Ўқитувчи қўйган баҳони ўзгартиришнинг имкони йўқ. Сир эмаски, авваллари семестр якунида талабалар рейтинг дафтарчасини кўтариб, у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа югуриб юрарди. Баъзан ўзаро келишиш орқали талабанинг билими паст бўлишига қарамай, баҳо сунъий равишда оширилар эди. Янги тизим бундай номаълумликнинг тўлиқ олдини олди, деб баралла айтиш мумкин. Талабалар олган балларини электрон платформа орқали билади, рейтинг дафтарчаси бутунлай муомаладан чиқарилади.

Шу ўринда кредит-модуль тизими ҳақида қисқача маълумот. Ушбу тизимда 1 кредит ўртача 25 — 30 академик соатлик ўқув юкламасига тенг. Янги талаба муайян фандан тегишли кредитларни тўплаши учун маълум миқдордаги ўқув юкламасини ўзлаштириши зарур. Ўқув юкламаси бакалавриятда 40 — 50 фоиз аудитория соати, 50 — 60 фоиз мустақил иш соати, магистратурада 30 — 40 фоиз аудитория соати, 60 — 70 фоиз мустақил иш соати (малакавий амалиёт ва битирув малакавий ишлари бундан мустасно) бўлилади. Кредитнинг соатлардаги миқдори ва ўқув юкламаси миқдори олий таълим муассасаси кенгаши томонидан белгиланган ва олий таълим муассасаси веб-саҳифасида шаффоф тарзда joyлаштирилган. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида талаба одатда бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йи-

лида 60 кредит тўплаши белгиланади. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Талаба ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 30 кредит ҳажмидаги фанларни ўзлаштиришни назарда тутиши, улар таркибиде намунавий ўқув режасидаги мажбурий фанлар бўлиши шарт.

Талаба бакалавриятда ўқиш муддати камида 3 йил бўлганда 180 кредит, ўқиш муддати камида 4 йил бўлганда 240 кредит тўплаши зарур. Магистратурада ўқиш муддати камида 1 йил бўлганда 60 кредит, ўқиш муддати камида 2 йил бўлганда 120 кредит тўплаши талаб этилади.

Таълим сифатини ошириш ва профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобатни шакллантириш мақсадида олий таълим муассасаси кенгаши қарорига асосан талабаларга фан доирасида профессор-ўқитувчиларни танлаш имконияти берилади. Бунда талабалар таълимни бошқариш ахборот тизими портали орқали ўқув семестри бошида 1 ҳафта муддат давомида ўзи танлаган профессор-ўқитувчининг машғулотига қатнашиш учун онлайн тарзда рўйхатдан ўтади.

Талаба томонидан олий таълим муассасаси таълим дастури бўйича тўпланган кредитлар миқдори бошқа олий таълим муассасасида белгиланган таълим олиш натижаларига мувофиқ ўзлаштирилган кредитлар миқдорига тенг ҳисобланади. Таълим олувчини курсдан-курсга ўтказиш унинг "GPA" қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. ОТМ талабаларини курсдан курсга ўтказишда "GPA" кўрсаткичини мустақил белгилаш ҳуқуқи эга. Бунда "GPA" кўрсаткичи 2,4-3,0 оралиғида бўлиши талаб этилади. "GPA" ўтиш балани тўплаб олган талаба қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирила-

ди. Семестр ва ўқув йили яқини натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштирилмайди. Курсдан-курсга қолган талабалар фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб, уларга мос равишда шартнома мабғуларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди. Жами таълим олиш муддати бакалаврият учун 1-курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 8 йилгача, магистратура учун 1-курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 4 йилгача деб белгиланади.

Олий таълимга жорий этилган кредит-модуль тизимининг яна бир афзаллик жиҳати шундаки, ҳар бир ўқитувчи семестр бошида талабаларни ўзи ўқитаётган фан бўйича ўқув дастури (силлабуси) билан атрофлича таништиради. Бунда у мазкур фан доирасида қайси мавзуларни ўқитишини, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида амалиётда нималар қила олиши ҳақида батафсил тушунча беради.

Таълим тизимида ишлаётган ҳар бир профессор-ўқитувчи яхши билади: ўқув жараёни белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар асосида ташкил этилади. Бироқ олдинлаги ушбу режа ва дастурлар тор доирадаги профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур жараёнда соҳанинг таърифи ва етакчи амалиётчи мутахассислари деярли қатнашмаган. Бу ҳолат ўқув режа ва дастурларнинг амалиётдан айри бўлиб қоллишига, таълим сифатининг пасайишига, натижада битирувчиларнинг са-

виясига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Кредит-модуль тизими эса таълим жараёнини ташкил қилишга бўлган бундай номақбул ёндашудан воз кечишни тақозо этади. Шундай қилиб, Тошкент молия институтига ҳар ўқув йили якунида ўқув режа ва дастурларни иш берувчилар вакиллари иштирокисда муҳокамадан ўтказиш аъна-на тусини олди.

Янги тизим ҳар бир таълим йўналиши ва мутахассисликларда ўқитиладиган фанлар бўйича каталоглар яратишни талаб этади. Каталоглар ҳар бир фаннинг номи ва унда нималар ўтилиши, дарс машғулотларини қим ўқитиши, фанни ўрганиш натижасида талаба қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши батафсил ёритилади. Бу талабаларга фан ҳақида дастлабки тасавурини ҳосил қилиш имкониятини беради.

Таълим тизими тараққий этган хорижий университетларда талабалар қайси фан бўйича дарсга қатнашиш ва қайси профессор-ўқитувчининг дарс машғулотига боришни ўзи мустақил ҳал қилади. Айнан кредит-модуль тизими талабаларга ушбу имкониятни тақдим этиши таълим сифати тубдан яхшиланадиганига, унинг жозибадорлиги ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Янги тизим асосида таълим беришни йўлга қўйган республикамиз олий ўқув муассасаларида ҳам дарслар ушбу ёндашув асосида ташкил этилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда Тошкент молия институту талабаларига ўзлари учун қизил қилган фанларни танлаш имконияти берилган.

Муҳтасар айтганда, республика олий таълим муассасаларида ижтимоий-иқтисодий соҳалар учун етук ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт йратяди, балки мамлакатимиз таълим тизимини халқаро даражада эътироф қилинган стандарт ва талабаларга мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Султонли МЕҲМОНОВ, Тошкент молия институти проректори, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Г — 1141. 32 572 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибсиз 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва мустақил қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Муасхих — С. Исломов.

"Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30

Топширилди — 23.40

1 2 3 4 5 6